

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.ФМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

КУНГУРОВ ФАХРУЛЛА РАХМАТУЛЛАЕВИЧ

**ВВР-СМ РЕАКТОРИДА КАМ БОЙИТИЛГАН ЁҚИЛГИГА ЎТИШ
ЖАРАЁНИДА АВАРИЯВИЙ ҲОЛАТЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

01.04.01 – Экспериментал физиканинг асобoblари ва усуллари

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2022

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc)
технических наук**

**Content of the dissertation Abstract of the doctor (DSc)
on technical sciences**

Кунгуров Фахрулла Рахматуллаевич ВВР-СМ реакторида кам бойитилган ёқилғига ўтиш жараёнида авариявий ҳолатларни моделлаштириш.....	3
Кунгуров Фахрулла Рахматуллаевич Моделирование аварийных ситуаций в реакторе ВВР-СМ при конверсии на низкообогащенное топливо.....	31
Kungurov Fakhrulla Rakhmatullayevich Modeling accident situations in WWR-SM reactor during conversion to low enriched fuel.....	57
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	61

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.ФМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

КУНГУРОВ ФАХРУЛЛА РАХМАТУЛЛАЕВИЧ

**ВВР-СМ РЕАКТОРИДА КАМ БОЙИТИЛГАН ЁҚИЛГИГА ЎТИШ
ЖАРАЁНИДА АВАРИЯВИЙ ҲОЛАТЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

01.04.01 – Экспериментал физиканинг асобoblари ва усуллари

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2022

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.DSc/T430 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.inp.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Садиков Илхам Исмаилович

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бахрамов Сагдилла Абдуллаевич

физика-математика фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

Зайнобиддинов Сирожиддин Зайнобиддинович

физика-математика фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

Хужаев Саидахмад

техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

**Қозоғистон Республикаси энергетика вазирлиги
Ядро физикаси институти**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек кўрғони, ЯФИ; тел. (+99871) 289-31-41; факс: (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек кўрғони, ЯФИ; тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2022 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2022 йил « ____ » _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

М.Ю. Ташметов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д, профессор

О. Р. Тожибоев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф. PhD,
катта илмий ходим

Э.М. Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунга қадар дунёнинг 53 та давлатида 220 га яқин тадқиқот реакторлари ишламоқда, улардан 171 таси юқори даражада бойитилган уранда ишлайдиган фаол зона билан қурилган. Ядровий материалларнинг тарқалиш хавфини глобал камайтириш ташаббуси доирасида 1980-йилларнинг ўрталаридан бошлаб янги тадқиқот ядро объектларини қуриш деярли тўхтатилди, уларни эксплуатациядан чиқариш ёки кам бойитилган ёқилғига ўтказиш жараёни устувор бўлиб қолди. Реакторни кам бойитилган ёқилғига конверсия қилишда ва реакторнинг кам бойитилган ёқилғига ўтказишдан кейинги ишлаш вақтида юзага келиши мумкин бўлган авария ҳолатларини таҳлил қилишнинг зарурий кўлами бўйича Халқаро Атом Энергияси Агентлигининг (ХАЭА) умумий талаблари мавжуд.

Ҳозирги вақтда дунёда юқори даражада бойитилган ёқилғида ишлайдиган тадқиқот реакторлари аста-секин кам бойитилган ёқилғига ўтмоқда. Ҳар бир тадқиқот реактори бошқа реакторлардан фаол зонасининг геометрияси, вертикал ва горизонтал каналлар сони, иссиқлик ажратувчи йиғилмасининг (ИАЙ) ўлчамлари ва конфигурацияси, уларнинг реактор фаол зонасидаги сони, нейтрон қайтаргичлари, совутиш усули билан фарқ қилади. Шунинг учун ҳар бир тадқиқот реакторининг хавфсизлигини ҳар тарафлама таҳлил қилиш долзарб ва устувор вазифадир.

Республикамизда илмий-тадқиқот ва синов реакторларида ёқилғи бойитилганлигини камайтириш дастури доирасида 1998 йилдан бошлаб ВВР-СМ реакторини 36% бойитилган ИРТ-3М туридаги ёқилғига, 2009 йилдан эса 19,7% бойитилган ИРТ-4М туридаги ёқилғига ўтказиш бошланди. Бойитиш даражасини камайтириш билан бирга керакли нейтронлар оқимини таъминлаш учун ишлаб чиқарувчилар ИАЙдаги ^{235}U нинг массаси ва зичлигини оширдилар. Бу ИАЙ материалларининг қалинлигини, ИАЙ материалларига иссиқлик ва радиация нагрузкасини, шунингдек, бутун реакторнинг нейтрон-физикавий ва иссиқлик-гидравлик хусусиятларини ўзгартиради. Назорат қилувчи органларнинг талабларига мувофиқ, шунингдек, ядро реакторининг хавфсиз ишлашини таъминлаш учун, унинг барча ишлаш режимлари ва фаол зонанинг барча конфигурацияси учун реактор хусусиятларини ҳисоблаш, шунингдек, ҳар хил туридаги ИАЙларини аралаш режимларда ишлатишда бўлиши мумкин бўлган барча авария ҳолатларини моделлаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фамони, 2019 йил 7 февралдаги ПП-4165-сон “Ўзбекистон Республикасида 2019-2029 йилларда атом энергетикасини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4526-сон “Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари ҳамда

ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия тежамкорлиги ва муқобил энергия манбалари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Тадқиқот ва синов реакторларида ёқилғи бойитилганлик даражасини камайтириш бўйича халқаро дастур (RERT) доирасида дунёнинг етакчи илмий марказлари тадқиқот реакторларини кам бойитилган ёқилғига конверсия қилиш устида ишламоқдалар. Улар орасида LVR-15 реактори (Чехия), ВВР-К реактори (Қозоғистон), Тажура ИРТ-1 реактори (Ливия), ВRR (Венгрия) ва бошқа реакторлар бор.

2011 йилдан бошлаб 10 МВт қувватга эга LVR-15 тадқиқот реакторида ИРТ-2М билан биргаликда ИРТ-4М туридаги ядро ёқилғиси ишлатила бошланди, бунда иссиқ нейтронлар оқимининг зичлиги 10% га камайди; қуввати 6 МВт бўлган ВВР-К реактори 2016 йилдан бошлаб ВВР-Ц туридаги кам бойитилган 19,7% ёқилғида ишлашни бошлади; 10 МВт қувватга эга Тажура ИРТ-1 реактори ЮБУ (ИРТ-2М)да 1983 йилдан ишлашни бошлаган, ҳозирда ИРТ-4М туридаги КБУ ёқилғиси ишлатилади; 2012 йилдан бошлаб Будапешт тадқиқот реактори ВRR уран-235 изотопи бўйича 20% бойитилган ВВР-М2 туридаги КБУ ёқилғисидан фойдаланишни бошлади. Барча реакторлар учун хавфсизлик таҳлиллари ўтказилди ва янги КБУли фаол зона конфигурацияси хавфсиз эканлиги ва рухсат этилган иш параметрлари стационар ҳолатларда ҳам, ўтиш жараёнларида ҳам ошиб кетмаслиги кўрсатилди.

ХАЭА ташаббуси бўйича АҚШ ва Россия ҳукуматлари иштирокида тадқиқот реакторларини 1978 йилдан бошлаб босқичма-босқич кам бойитилган ёқилғига ўтказиш бошланди. ХАЭА тадқиқот реакторларини конверсия қилишда ёки уларни эксплуатациядан чиқаришда ёрдам берган давлатлар орасида Австрия, Болгария, Венгрия, Вьетнам, Гана, Грузия, Қозоғистон, Хитой, Латвия, Ливия, Мексика, Нигерия, Польша, Португалия, Руминия, Сербия, Ўзбекистон, Украина, Чехия, Чили ва Ямайка давлатлари бор. Бугунги кунда Гана ва Нигериядаги тадқиқот реакторларини конверсия қилишда ёрдам бериш ишлари давом этмоқда.

Тадқиқот реакторларини конверсия қилиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: юқори бойитилган урандан фойдаланмай бажариладиган технологияларга ўтишни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш, ядро материални жисмоний ҳимоя қилиш,

¹Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи https://scienceandglobalsecurity.org/ru/archive/2002/01/the_conversion_of_research_rea.html, <https://www.atomic-energy.ru/news/2020/02/26/101701> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

тиббий радиоизотопларни ишлаб чиқаришда кам бойитилган уран нишонларидан фойдаланиш, ядро қуролини тарқатмаслик ва ядро хавфсизлигини мустаҳкамлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда кўплаб тадқиқот реакторлари юқори даражада бойитилган уранда ишлаган, бу эса ядровий материалнинг тарқалиш хавфини юзага келтирган. 1970-йилларнинг охирида ХАЭА томонидан кўллаб қувватланган, тадқиқот реакторларини эксплуатацион хусусиятларига зиён етказмасдан кам даражада бойитилган ёқилғига (20% дан кам) ўтказиш бўйича битимлар имзоланди. Тадқиқот реакторлари учун уран-235 бўйича 20% дан кам бойитилган иссиқлик ажратувчи йиғилмаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, нейтрон-физикавий ҳисоблар ва хавфсизлик таҳлиллари билан кўплаб тадқиқотчилар шуғулланишган ва шуғулланишмоқда, жумладан россиялик (П.М. Егоренко, В.А. Насонов, А. Талиев, А.А. Енин, А.В. Ватулин, А.Н. Ерыкалов, Ю.В. Петров, Н.В. Архангельский, К.А. Коноплев, А.Л. Ижutow), америкалик (N. Hanan, Jordi Roglans-Ribas, G. Hofman, Arne P. Olson, J. Matos), қозғистонлик (Ф.М. Аринкин, П.В. Чақров, Л.В. Чекушина, И. Добрикова, Ш.Х. Гизатулин, К.К. Кадыржанов, А.А. Шаймерденов), жанубий корейлик (Jong Man Park, Sangik Wu, C. Kim), чехиялик (A. D'ambrosio, J. Kysela, J. Ernest, M. Marek), ўзбекистонлик (Б.С. Юлдашев, У.С. Салихбаев, И.И. Садиқов, С.А. Байтелесов) ва бошқа олимлар.

Жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида кам бойитилган уран-молибден, уран-силицид ва уран-диоксид ёқилғиси ишлаб чиқариш технологиялари яратилди. Новосибирск (Россия) кимёвий концентрантлар заводида тадқиқот реакторлари учун ^{235}U бўйича бойитилганлик даражаси 20% дан кам бўлган ВВР-М2 ва ИРТ-4М туридаги ИАЙларини ишлаб чиқаришни бошлади ва Венгрия, Украина, Вьетнам, Чехия, Ўзбекистон, Ливия, Болгария, Шимолий Корея давлатларига етказиб берилди. Бироқ, барча ИАЙлари бир-биридан геометрик ўлчамлари, шакли, иссиқлик ажратувчи элементлар деворининг қалинлиги, иссиқлик ажратувчи элементлар орасидаги тирқишлар, уран миқдори, иссиқлик ажратувчи элементларнинг материаллари, ёқилғи матрицаси ва бошқалари билан фарқ қилади.

ВВР-СМ реакторини кам бойитилган ёқилғига ўтказиш учун катта ҳажмда нейтрон-физикавий, иссиқлик-гидравлик ва иссиқлик техникавий ҳисоб-китобларини, шунингдек авария ҳолатларини моделлаштириб хавфсизлик таҳлилинини ўтказиш зарур эди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши ЎЗР ФА Ядро физикаси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ФА-14-Ф-062 “ВВР-СМ илмий тадқиқот реакторининг эксплуатацион параметрларини конверсиядан кейин такомиллаштириш” (2009-2011), № ФА-Ф2-Ф075+Ф070 “Реактор ва юқори ҳароратли ўта ўтказгич материалларининг ўзига хос электрик, иссиқлик ва техник хоссаларини тадқиқ этиш” (2012-2016), № Ф2-ФА-Ф112 “Ядро

материясининг хусусият ва ҳолатларини юқори ва қуйи энергияларда тадқиқ қилиш” (2012–2016), № ФА-А3-Ф004 “ЎзР ФА ЯФИ ВВР-СМ ядро реакторининг ёқилғи циклларини оптималлаштириш ва параметрларини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш” (2018-2020), № БФ2-Ф006 “Бўлиниш маҳсулотларининг ва трансуранин маҳсулотларининг активлигини минималлаштириш ва уларнинг ВВР-СМ ядро реакторининг конструкцион материалларига таъсирини тадқиқ қилиш” (2017-2020), № ФА-Атех-2018 - (175+170) “Ёқилғи циклларини оптималлаштириш усулларини яратиш ва ВВР-СМ ядро реакторини параметрларини назорати” (2018-2020) мавзусидаги илмий лойиҳалар ҳамда 6F-01024-рақамли АҚШнинг Аргон миллий лабораторияси “Ўзбекистон Республикасининг Улуғбек шаҳарчасида жойлашган ВВР-СМ реакторини уран бўйича кам бойитилган ИРТ-4М ёқилғисига ўтиш жараёнини қўллаб-қувватлаш бўйича таҳлил” (2006-2009) мавзусидаги шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ВВР-СМ тадқиқот ядро реакторини эксплуатация қилиш ва ИРТ-4М туридаги кам бойитилган уран-235 ёқилғисига ўтказиш жараёнида ядровий ва радиациявий хавфсизликни таъминлаш шартларини илмий асослаш ва юзага келиши мумкин бўлган авария ҳолатларини моделлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ВВР-СМ реакторини 19,7% гача U-235 изотопи билан бойитилган уран диоксиди ёқилғисининг ИРТ-4М туридаги 6 қувурли ИАЙни фаол зонада фойдаланишга ўтказишда реактор хавфсизлиги таҳлилинини бажариш;

фаол зонада ИРТ-3М ва ИРТ-4М туридаги ИАЙларидан фойдаланишда кинетик параметрлар ва реактивлик коэффициентларини аниқлаш;

реактор бошқарув стерженларининг бошқарувсиз ҳаракатга ўтиши билан юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисоблаш;

реактор совутиш тизимидаги авария ҳолатларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш;

электр таъминоти тизимида, ядро ёқилғилари сақланадиган жойларда юзага келиши мумкин бўлган авария ҳолатларини таҳлил қилиш ва уларнинг оқибатларини баҳолаш;

экспериментал асбоб-ускуналар ва қурилмаларда авария ҳолатларининг оқибатларини аниқлаш;

энг оғир авария ҳолатларини таҳлил қилиш, ходимлар ва аҳолининг радиациявий юкланишини баҳолашни амалга ошириш;

лойиҳадан ташқари ва гипотетик аварияларнинг оқибатларини баҳолаш;

6 қувурли ва 8 қувурли ИРТ-4М туридаги ИАЙ бўлган реактор эксплуатациясидаги авария ҳолатларини/ўтиш жараёнларини кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш;

ВВР-СМ реактори учун моделлаштирилган турли хил авария ҳолатларида кечадиган жараёнларнинг механизмларини изоҳлаш.

Тадқиқотнинг объектини ВВР-СМ тадқиқот реакторини кам бойитилган ёқилғига ўтказиш вақтида ва унинг кейинги кам бойитилган уран

(19,7%) ИРТ-4М иссиқлик ажратувчи йиғилмалари билан эксплуатация қилишда ВВР-СМ тадқиқот реакторининг ядро хавфсизлигини асослаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини уран-235 изотопи бўйича 19,7% гача бойитилган ИРТ-4М туридаги иссиқлик ажратувчи йиғилмаларидан фаол зонада фойдаланилганда турли хил авария ҳолатлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. ИРТ-2D/РС, MCNP, WIMS, REBUS, PLTEMP махсус дастурий пакетлар асосида тадқиқ қилинаётган жараёнларни компьютер моделлаштириш усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи марта 24 та ИРТ-4М иссиқлик ажратувчи йиғилмалари, кириш сувининг температураси 45 °С ва қуввати 11 МВт бўлган реакторни одатдаги эксплуатация шароитида 6-қувурли ва 8-қувурли иссиқлик ажратувчи йиғилмалари билан 1чи, 4чи, 7чи ва 10чи аралаш фаол зоналар учун ишлатиш хавфсизлиги исботланган;

ВВР-СМ реакторида авария ҳолатлари/ўтиш жараёнларининг 27 та модели ҳисоблаб чиқилган ва таҳлил қилинган, бу биринчи марта реакторни кам бойитилган уран ёқилғисига хавфсиз ўтказиш имконини берган;

“янги” ёқилғини сақлашда уни сув билан тўлишининг фарзидий ҳолатида $k_{эф} < 0,52$ ва ишлатилган иссиқлик ажратувчи йиғилмалар сақлаш жойида $k_{эф} < 0,82$ эканлиги, яъни чуқур критик ҳолати ядровий хавфсизлик қоидаларига кўра рухсат этилган қийматдан $k_{эф} < 0,95$ паст эканлиги аниқланган;

биринчи марта алоҳида иссиқлик ажратувчи йиғилмалари суюқланиши билан содир бўладиган аварияни моделлаштиришда реакторнинг санитар-ҳимоя зонаси чегарасида (1000 м) радиоактив булут ташқи нурланишининг дозаси бутун инсон танаси учун 0,25 Зв ва қалқонсимон без учун 3 Зв чегарасида бўлиши ҳисобланган, бу авария ҳолатларида рухсат этилган дозалардан сезиларли даражада паст;

биринчи контур насосларида электр таъминотининг узилиши авария ҳолатига олиб келмаслиги ва барча фаол зоналар учун сув сарфининг 80% дан пастга тушиши ҳақидаги сигнал бўйича реактор тўхташи кўрсатилган;

ВВР-СМ реактори биринчи контур қувурининг фавқулодда тўлиқ ёрилганда сув сарфи 0,245 м³/соат эканлиги, бунда минимал талаб қилинадиган сув сарфидан 2,2-3,2 баравар юқори эканлиги кўрсатилган;

моделлаштириш натижасида реактор бакига совуқ сув кириб кетганда авариядан ҳимоя қилиш тизими томонидан реактор тўхтатилиши кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нейтрон-физикавий ва иссиқлик-гидравлик ҳисоб-китоблари ва кўриб чиқилган авария ҳолатларининг таҳлили асосида реактор кам бойитилган ИРТ-4М ёқилғисига ўтказилганда хавфсизлик тизими юзага келиши мумкин бўлган авария ҳолатларини муваффақиятли бартараф эта олиши кўрсатилган;

ВВР-СМ реакторининг уран-235 изотопи билан 19,7% бойитилган 6-қувурли ва 8-қувурли ИРТ-4М иссиқлик ажратувчи йиғилмаларидан фойдаланган ҳолда ишлашининг ядровий хавфсизлиги асосланган;

совуқ сув реактор бакига кирганда барча фаол зоналар учун 12 МВт қувватдан ошиб кетганлиги ҳақида сигнал пайдо бўлиши ва реакторнинг авариядан ҳимоя қилиш тизими томонидан ўчирилиши аниқланган;

реактор бошқарув стерженларининг бошқарувсиз ҳаракатланишида реакторни авария ҳолатидан ҳимоя қилиш тизими қувватнинг ошиши сабабли авария ҳолатларини юзага келтирмасдан занжир реакциясини тўхтатиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги физик эксперимент ва назарий таҳлилда замонавий усуллар мажмуасининг қўлланилганлиги, натижаларнинг яхши такрорланиши, аниқ физикавий моделларнинг яратилиши ва хулосаларнинг умумий физика қонунларига қарши келмаслиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Натижаларнинг илмий аҳамияти тадқиқот реакторлари хавфсизлигини, реакторнинг турли хил авария ҳолатлари ва ўтиш жараёнларига жавоб қайтаришини таҳлил қилишда катта ҳисса қўшадиган илмий қоидалар ишлаб чиқишдан иборатдир. Натижаларнинг амалий аҳамияти ВВР-СМ реакторини кам бойитилган ядро ёқилғисидан фойдаланишга хавфсиз ўтказиш, шунингдек, реакторнинг ишлаш хавфсизлигини ошириш ва авария ҳолатларининг оқибатларини минималлаштириш мақсадида авария насоси ва авария вентиляциясини ўрнатишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ВВР-СМ ядро реакторини кам бойитилган ядро ёқилғисига конверсия қилишдаги авария ҳолатларини моделлаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

хавфсизлиги исбот қилинган 24 та ИРТ-4М иссиқлик ажратувчи йиғилмаларидан иборат фаол зона, кириш сувининг ҳарорати 45 °С ва оддий шароитда реакторни 11 МВт қувватда ишлатиш имконияти ЎзР ФА Ядро физикаси институтининг ВВР-СМ реакторида фойдаланилган (ЎзР Фанлар академиясининг 2022 йил 7 февралдаги № 2/1255-266-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши реакторни юқори бойитилган уран ёқилғиси билан ишлашдан кам бойитилган уран ёқилғисига хавфсиз ўтказиш имконини берган;

ВВР-СМ реакторида авария ҳолатлари/ўтиш жараёнларининг ҳисобланган ва таҳлил қилинган моделлари Қозоғистон Республикаси Энергетика вазирлиги Ядро физикаси институтининг ВВР-К реакторида кам бойитилган ёқилғи билан ВВР-К тадқиқот реактори хавфсизлик таҳлили тўғрисидаги ҳисоботини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қозоғистон Республикаси Энергетика вазирлиги Ядро физикаси институтининг 2021 йил 20 октябрдаги 34-15.08-12/1181-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши ВВР-К тадқиқот реакторини кам бойитилган уран ёқилғисига ўтказиш хавфсизлигини асослаш имконини берган;

алоҳида иссиқлик ажратувчи йиғилмасининг суюқланиши билан содир бўладиган аварияни моделлаштиришда реактор санитар-ҳимоя зонаси чегарасида радиоактив булут ташқи нурланишининг ҳисобланган дозавий

таъсири ЎзР ФА Ядро физикаси институтининг ВВР-СМ реакторида фойдаланилган (ЎзР Фанлар академиясининг 2022 йил 7 февралдаги № 2/1255-266-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши реакторнинг хавфсиз ишлашини таъминлаш имконини берган;

ВВР-СМ реактори биринчи контур қувурининг фавқулодда тўлиқ кўндаланг ёрилгандаги минимал сув сарфи, ВВР-СМ реакторида авария ҳолатлари/ўтиш жараёнларининг ҳисобланган ва таҳлил қилинган моделлари ЎзР ФА Ядро физикаси институтининг ВВР-СМ реакторида фойдаланилган (ЎзР Фанлар академиясининг 2022 йил 7 февралдаги № 2/1255-266-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши реакторни кам бойитилган уран ёқилғиси билан ишлашга хавфсиз ўтказиш имконини берган, ҳозирги вақтда реактор ИРТ-4М туридаги кам бойитилган ёқилғидан тўлиқ хавфсиз режимда фойдаланмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 8 та халқаро ва республика конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 10 та мақола, шундан 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 179 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган.

Диссертациянинг “**Тадқиқот реакторларини кам бойитилган ёқилғига ўтказиш ва ўтиш вақтида реактор параметрларини текшириш**” деб номланган биринчи бобида адабиётларда эълон қилинган тадқиқот реакторларида фойдаланиш учун ёқилғини бойитиш даражасини камайтириш бўйича муаммолар келтирилган. Адабиётларда ёқилғи матрицасида кам бойитилган уранни (^{235}U бўйича 20% гача бойитилган) зичроқ жойлаштириш билан янги турдаги ёқилғини яратиш бўйича ишлар акс эттирилган.

Ёқилғининг уран-диоксидли, уран-молибденли, уран-силицидли турли хил комбинациялари кўриб чиқилган. Энг истиқболли ёқилғи 5 г U/см^3 зичликдаги ёқилғи ҳисобланади. Бундан ташқари, мақолаларда тадқиқот реакторларининг фаол зонасини ҳисоблаш учун фойдаланиладиган дастурлар баён қилинган. Ушбу дастурлар нейтрон-физикавий ва иссиқлик-гидравлик

ҳисоб-китобларни, авария ҳолатларни/ўтиш жараёнларни ҳисоблаш имконини беради. Реакторнинг эксплуатация пайтида ядро ва радиациявий хавфсизлигини баҳолаш учун ҳисоб-китоблар зарур. Ушбу дастурнинг бир нечтаси диссертация муаллифи томонидан ВВР-СМ реакторини кам бойитилган ёқилғисига ўтказишдаги авария ҳолатларини моделлаштиришда ишлатилган.

Диссертациянинг **“ВВР-СМ ядро реакторининг юқори бойитилган уранли ёқилғи, биринчи аралаш юқори бойитилган уран ва кам бойитилган уранли ёқилғи ва тўлиқ кам бойитилган уранли ёқилғидан иборат фаол зоналарининг ўтиш жараёнлари/аварияларининг таҳлили натижалари”** деб номланган иккинчи бобида реактор фаол зонасида (ф.з.) ишлатиладиган ИРТ-3М ва ИРТ-4М ёқилғи йиғилмаларининг хусусиятлари, реактор фаол зонаси тавсифи ва конверсия жараёнларининг тавсифи келтирилган.

Конверсия жараёни маълум вақт ичида 9 босқичда ўтказилди. Нейтрон-физикавий ва иссиқлик-гидравлик ҳисоб-китоблар, шунингдек 10 та ф.з. учун авария ҳолатларини ҳисоблаш амалга оширилди:

1. Юқори бойитилган уранли ф.з.– 18 дона ИРТ-3М ИАЙ
2. Биринчи аралаш ф.з.– 16 дона ИРТ-3М ИАЙ ва 4 дона ИРТ-4М ИАЙ.
3. Иккинчи аралаш ф.з.– 14 дона ИРТ-3М ИАЙ ва 6 дона ИРТ-4М ИАЙ.
4. Учинчи аралаш ф.з.– 12 дона ИРТ-3М ИАЙ ва 8 дона ИРТ-4М ИАЙ.
5. Тўртинчи аралаш ф.з.– 10 дона ИРТ-3М ИАЙ ва 10 дона ИРТ-4М ИАЙ.
6. Бешинчи аралаш ф.з.– 8 дона ИРТ-3М ИАЙ ва 12 дона ИРТ-4М ИАЙ.
7. Олтинчи аралаш ф.з.– 6 дона ИРТ-3М ИАЙ ва 14 дона ИРТ-4М ИАЙ.
8. Еттинчи аралаш ф.з.– 4 дона ИРТ-3М ИАЙ ва 16 дона ИРТ-4М ИАЙ.
9. Саккизинчи аралаш ф.з.– 2 дона ИРТ-3М ИАЙ ва 18 дона ИРТ-4М ИАЙ.
10. Кам бойитилган уранли ф.з.– 20 дона ИРТ-4М ИАЙ.

Диссертацияда уч хил фаол зона учун – юқори бойитилган уранли ф.з., биринчи аралаш ф.з. ва кам бойитилган уранли ф.з. учун авария ҳолатлар/ўтиш жараёнларининг ҳисоб китоблари келтирилган. 2 дан 8 гача бўлган аралаш ф.з. учун ҳисоб китобларнинг тушириб қолдирилиши, реакторнинг кинетик параметрларининг зонадан зонага сезиларли ўзгармаслиги, шунингдек диссертация ҳажмининг чекланганлиги билан боғлиқ.

Қуйида хавфсизлик таҳлилинини ўтказиш учун фойдаланиладиган усуллар ва дастурлар баён қилинган.

2 гуруҳли кесимларни яратиш учун ёнишни ҳисоблаш дастури IRT-2D учун зарур бўлган WIMS-ANL дастуридан фойдаланилган. Сўнгра 2 гуруҳли кесимлар IRT-2D дастурида цикллар бўйича ёнишни таҳлил қилиш учун ишлатилган. Ёқилғи композицияларининг ёниш таҳлили натижаларини олишда MCNP4C батафсил моделдан фойдаланилган. Ушбу MCNP4C модели барча статик ҳолатлар нейтрон-физикавий таҳлилларини бажариш учун фойдаланилган, бу эса статик ҳолатдаги иссиқлик-гидравлик ва ўтиш жараёнларидаги хавфсизлик таҳлиллари учун зарур бўлган қувват зичлиги ва кинетик параметрлари ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этди.

МСНР дастурида олинган натижалар асосида иссиқлик-гидравлик ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун PLTEMP дастуридан фойдаланилган.

Ўтиш жараёнларининг хавфсизлик таҳлили ҳисоб-китоблари PARET дастуридан фойдаланилди, натижалар қуйида келтирилган.

Ўтиш жараёнлари белгиланган максимал қувватдан бошланади, яъни юқори бойитилган уранли ф.з. учун 10 МВт ва бошқа барча қолган ф.з. учун 11 МВт ташкил қилади; қувват ошиб кетиши бўйича авария ҳолатларида ўчириш созуламалари барча ф.з. учун 12 МВтни ташкил этади.

Ҳар қандай белгиланган нуқтадан ошиб кетиш ва ф.з. бошқарув стерженларнинг ҳаракатни бошлаш ўртасидаги тутилиш вақти 0,1 секундни ташкил этади. Реактор ишлаётган вақтида авария ҳолатда тўхтаганида авария ҳолатларидан ҳимоя қилувчи (АХ) учта стержен кўтарилган ҳолатидан тўлиқ ва олтита компенсацияловчи стерженлар (КС) критик ҳолатидан пастга тушади; олтита компенсацияловчи стерженларнинг тушиши (консерватив равишда) қуйидаги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинмайди. Авария ҳолатларидан ҳимоя қилишда 0,6 м узунликдаги стерженнинг тўлиқ тушиши 0,5 секундда рўй беради. Компенсацияловчи стерженлар 35 мм/с доимий тезлик билан фаол зонага тўлиқ киритилади. Биринчи контурнинг учта насоси реактивликнинг киритилишидан келиб чиқадиган ўтиш жараёнлари учун авария ҳолатида тўхташдан кейин ҳам ишлашда давом этади.

Биринчи контур насослари томонидан совутиш суви таъминоти электр узилишидан кейин 4 секунд ичида деярли нолгача камаяди. Кичик ёрдамчи насос батарея қуввати билан 100 м³/соат тезликда узликсиз ишлайди.

Кинетик параметрлари ва реактивлик коэффициентларини ҳисоблаш амалга оширилди. Улар авария/ўтиш жараёнларидан кейин фаол зонанинг жавобини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек юқори бойитилган уран (ЮБУ) ф.з., биринчи аралаш ф.з. ва кам бойитилган уран (КБУ) ф.з. учун киритилган реактивликлар ҳисоблаб чиқилган.

Диссертация иши нейтрон-физикавий ва иссиқлик-гидравлик ҳисоблари, шунингдек қуйида кўрсатилган ўтиш жараёнлари/авария ҳолатларини таҳлил қилишни ўз ичига олади:

1. Автоматик бошқарув стерженининг чиқиши.
2. Компенсацияловчи стерженларнинг чиқиши.
3. Электр узилиши натижасида биринчи контур совутиш насосларини ўчиши.
4. ВВР-СМ ядро реакторида иссиқлик ажратувчи йиғилмалардан бўлиниш маҳсулотларининг чиқиш эҳтимолини моделлаштириш – совутиш сувига бегона жисмнинг кириб қолиши натижасида битта иссиқлик ажратувчи йиғилма (ИАЙ) орқали совутиш суви оқимининг тўхтаб қолиши.
5. Иссиқлик ажратувчи йиғилмасининг фаол зона ячейкасига қулаши
6. Совутиш сувининг йўқолиши – биринчи контур қувурининг ёрилиши ёки авария ҳолатида сув билан таъминлаш тизимининг марказий бак билан бир вақтда ишдан чиқиши.

7. Фаол зонага совуқ сув қўшилиши.
8. Экспериментал қурилмалар ёрдамида реактивликни ошириш.
9. Авария ҳолатларидан ҳимоя қилувчи стерженларнинг ўз-ўзидан чиқиши.
10. Компенсацияловчи стерженларнинг иш органидан ўз-ўзидан чиқиши.
11. Компенсацияловчи стерженлар сиқиб чиқарувчисининг сув билан алмаштирилиши.
12. ВВР-СМ реактори фаол зонаси учун нейтрон-физикавий ва статик иссиқлик-гидравлик таҳлили.
13. ЎзР ФА ЯФИ ВВР-СМ реактори фаол зонасида ИРТ-4М типигаги 6 ва 8 қувурли ИАЙ лар учун ўтиш жараёнлари/авария таҳлиллари натижалари.
14. Фаол зонадаги 6 ва 8 қувурли ИАЙларининг ўтиш жараёнлари учун нейтрон характеристикалари.
15. Фаол зонадаги 6 ва 8 қувурли ИАЙлари учун компенсацияловчи стерженларнинг чиқиши.
16. Фаол зонадаги 6 ва 8 қувурли ИАЙлари учун электр манбаининг йўқолиши сабабли совутиш насосларининг ўчиб қолиши.
17. 6 ва 8 қувурли ИАЙларининг фаол зонасидаги иссиқлик ажратувчи йиғилманинг фаол зона ячейкасига қулаши.
18. 6 ва 8 қувурли ИАЙларининг фаол зонасидаги иссиқлик ажратувчи йиғилманинг фаол зонага қулаши.
19. Биринчи контур қувурининг фавқулудда тўлиқ кўндаланг ёрилиши.
20. Сақлаш вақтида ёқилғи критиклигининг таҳлили.
21. Изоляция сифатининг йўқолиши ёки АБ ионлаштириш камерасининг кабел алоқасидаги узилиш.
22. Қопқоқнинг жуда тез ёпилиши.
23. Лойиҳалаштирилган авария – биринчи контур қувурининг ёрилиши билан сув билан таъминлаш тизимининг бир вақтда ишдан чиқиши.
24. Иккинчи контурнинг ишлашидаги носозликлар.
25. Ишлатилган ёқилғи сақлагичга янги ИАЙсининг тушиб кетиши.
26. Ишлатилган ёқилғи сақлагичга бегона нарсаларнинг тушиб кетиши
27. Янги ёқилғи сақлагичга сув кириши.

Қуйидаги ўтиш жараёнлари/авария ҳолатлари таҳлил қилинади:

- Автоматик бошқарув стерженларининг чиқиши;
- Компенсацияловчи стерженларнинг чиқиши;
- Электр таъминотининг йўқолиши;
- ИАЙларининг блокланиши;
- Изоляциянинг бузилиши (электрик) ёки назорат ва ўлчаш асбоблари (КИП)даги автоматик назорат системасидан автоматик бошқарув стерженларининг узилиши;
- Иссиқлик ажратувчи йиғилмасининг фаол зона ячейкасига қулаши;
- Совутиш сувининг йўқолиши;
- Фаол зонага совуқ сув қўшилиши;
- Экспериментал қурилмалар ёрдамида реактивликни ошириш;

- Авария ҳолатларидан ҳимоя қилувчи стерженларнинг ўз-ўзидан чиқиши;
- Компенсацияловчи стерженлар сиқиб чиқарувчисининг сув билан алмаштирилиши;

Авторефератда диссертацияда келтирилган ядро ва радиациявий хавфсизликка энг катта таъсир кўрсатадиган юқоридаги рўйхатдаги баъзи ўтиш жараёнлари/авария ҳолатлари таҳлилларининг натижалари келтирилган.

Компенсацияловчи стерженларни чиқариш

Ҳар бир КС маҳсус майдончада жойлашган ва электр тармоғига кабел билан уланган. Стержен ва канал девори орасидаги бўшлиқдан пастга қараб оқувчи сув оқими билан стержен совутилади. Шунинг учун стерженнинг фаол зонадан юқорига чиқиш эҳтимоли кам. Стерженнинг пастга тушишини ютувчи остида жойлашган сиқиб чиқарувчи чеклайди. Агар реакторнинг ишлаш вақтида стержен энг пастки ҳолатда бўлмаса ва трос тормозланиши содир бўлса стержен тиргакчага чўкади. Бу реактор қувват даражасининг пасайишига олиб келади ва авария ҳолати юзага келмайди (1-жадвал).

Юқори бойитилган уран, биринчи аралаш, кам бойитилган уранли фаол зоналарнинг таҳлили.

Совутиш сувида пуфакчалар ҳосил бўладиган қобик температураси ИРТ-3М ИАЙси учун 123 °С ва ИРТ-4М ИАЙси учун 126 °С ни ташкил қилади.

Электр таъминотининг йўқолиши натижасида биринчи контур совутиш насосларининг ўчиб қолиши.

- Электр таъминотининг йўқолиши биринчи (3) ва иккинчи (4) контурнинг барча насосларининг ўчишига олиб келади;
- Электр таъминотининг йўқолиши реакторнинг ўчишига олиб келади – сарфнинг паст даражасида ўчирилиши (номиналнинг 80%) консерватив равишда қабул қилинади;
- “Ишончли қувват манбаи” билан ишлайдиган авария насослари ишлашда давом этади (100 м³/соат).
- Ўтиш жараёнининг бошланишида электр таъминотининг йўқолиши туфайли авария ҳолатида тўхташи билан ўтиш жараёни оқими йўқолади. Биринчи контур насослари учун электр таъминоти узилиб қолганда авариядан ҳимояланиш куйидаги мустақил каналлар орқали ҳам фаолланиши мумкин:
- Биринчи контур сув қувурларида босимнинг камайиши;
- Биринчи контурдаги сув сарфининг номинал даражадан 20% га камайиши;
- Фаол зонада босимлар фарқининг камайиши;

Электр таъминоти узилиб қолганда фақат битта авария насоси ишлашда давом этади (қувват~ 7,5 кВт, сув сарфи 100 м³/соат).

Компенсацияловчи стерженларни чиқариш вақтида реактор параметрлари

Параметр	ЮБУф.з.	1-аралаш ф.з.	КБУф.з.
КС-1 жуфт стерженларининг реактивлиги, \$ ²	5,526	5,263	5,658
КС-1 битта стерженининг реактивлиги, \$	2,763	2,632	2,829
Реакторнинг дастлабки қуввати	10	11	11
12 МВт қувватдан ошиб кетиш сабабли авария ҳолатида тўхтамоқ, с.	0,04	0,02	0,03
Максимал қувват, МВт	28,20	25,10	26,91
Максимал қувватга эришиш вақти, с	0,14	0,13	0,13
Максимал реактивлик, \$	0,6811	0,599	0,633
Максимал реактивликга эришиш вақти, с	0,14	0,12	0,12
ИРТ-3М химоя қобиғи юзасидаги максимал температура, °С	125,15	124,1	
ИРТ-3М қобиғи юзасининг максимал температурага эришиш вақти, °С	0,17	0,16	
ИРТ-4М қобиғи юзасидаги максимал температура, °С		103,00	118,7
ИРТ-4М қобиғи юзасининг максимал температурага эришиш вақти, °С		0,17	0,17

Юқори бойитилган уран, биринчи аралаш, кам бойитилган уранли фаол зоналарнинг таҳлили.

Совутиш суви оқимининг пасайиши билан температура ошади; бу қизишсалбий реактивлик ва қувватнинг пасайишига олиб келади. Реакторнинг тўхташи сув сарфининг 80% га камайиши сабабли содир бўлади, чунки электр таъминоти узилиши ҳақидаги авария сигнали дастлаб ҳисобга олинмаган. Ҳимоя қобиғи температураси шикастланган қобиқ температурасидан анча паст ва ҳатто совутиш сувида пуфакчалар пайдо бўладиган температурадан ҳам паст (2-жадвал).

²реактивликнинг 1 доллари 1 β_{эф}=0,76% тенг

Биринчи контур совутиш насослари ўчиб қолганда реактор параметрлари

Параметр	ЮБУф.з.	Биринчи аралаш ф.з.	КБУ ф.з.
Реакторнинг дастлабки қуввати	10	11	11
Сув сарфининг 80% га камайиши туфайли тўхташ, с	0,32	0,32	0,41
ИРТ-3М ҳимоя қобиғи юзасидаги максимал температура, °С	105,98	111,45	
ИРТ-3М қобиғи юзасининг максимал температурага эришиш вақти, °С	0,43	0,43	
ИРТ-4М қобиғи юзасидаги максимал температура, °С		94,37	105,66
ИРТ-4М қобиғи юзасининг максимал температурага эришиш вақти, °С		0,43	0,43

ВВР-СМ реактори иссиқлик ажратувчи йиғилмаларидан бўлиниш маҳсулотларининг чиқиш эҳтимолини моделлаштириш.

ВВР-СМ реактори авария ҳолати учун энг жиддий тахмин қилинган ўтиш жараёнларидан бири совутиш сувига бегона жисмнинг кириб қолиши натижасида битта ИАЙси орқали совутиш суви оқимининг блокланиб қолиши ҳисобланади. ИАЙ орқали совутиш сувининг айланиши тўхтаб қолганда қобиқнинг эриши ва ёқилғи композицияларининг чиқиши натижасида ИАЙсининг эриб кетиши ва биринчи контур сувининг радиоактивлиги тез ошиб кетиши тахмин қилинади.

Биринчи контур қувурларида гамма-нурланиш даражаси 3,6 $\mu\text{Гр/с}$ га етганда авариядан ҳимоя қилиш тизими ишга тушади ва реактор ўчирилади. Агар бирон-бир сабабга кўра авариядан ҳимоя қилиш тизими ишламаса, реактор огоҳлантирувчи сигналлар бўйича оператор томонидан ўчирилади:

- Радиоактив газлар чиқадиган қувурга чиқаётган ҳаводаги радиоактивлик даражасининг икки баравар ошиб кетиши;
- Реактор устидаги ҳавода бета-активликнинг икки баравар ошиши.

Ушбу ўтиш жараёни битта ёқилғи йиғилмасига оқимнинг блокланиши билан боғлиқ деб тахмин қилинади. Бундан ташқари бу ўтиш жараёнида битта иссиқлик ажратувчи йиғилма эриб кетади деб тахмин қилинади. ЮБУли фаол зона учун энг юқори ўртача ёнган (60%) иссиқлик ажратувчи йиғилма эриган деб фараз қилинади. Биринчи аралаш фаол зона (ИРТ-3М/ИРТ-4М ИАЙ) учун КБУли ИАЙнинг максимал ўртача ёниши 6,6% дан ошмайди, ЮБУли ИАЙси учун максимал ўртача ёниш 60% ни ташкил этади. Шунинг учун биринчи аралаш фаол зонада ЮБУли ИАЙси максимал ёниши билан эриб кетади деб тахмин қилинди. Бу ИАЙси бўлиниш маҳсулотларининг катта захирасига эга. Битта ИРТ-3М ИАЙсининг эриш оқибатлари ЮБУ учун ҳам, биринчи аралаш фаол зона учун ҳам бир хил де тахмин қилинди.

Кам бойитилган уранли фаол зона учун ИРТ-4М типдаги битта ИАЙсининг максимал ўртача ёниш даражаси 40%ни ташкил қилади.

ИАЙси ичидаги бўлиниш маҳсулотлари изотопларининг активлиги қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Q_i = 0,84 \times Y_i \times P_o \times (1 - e^{-\lambda_i \times T_o})$$

бу ерда, $Q_i - T_o$ дан кейинги ёқилғи таркибидаги изотоплар миқдори i , Кюри,

P_o – ёқилғининг қувват даражаси, Ватт,

$Y_i - {}^{235}\text{U}$ бўлиниш вақтида i изотоп чиқиши,

λ_i – радиологик изотоп парчаланиш доимийси, с^{-1} ,

T_o – ёқилғи P_o қувватида бўлган вақт оралиғи, с.

Юқорида келтирилган формула бўйича битта 60% гача ёнган ИРТ-3М ИАЙси учун ва битта ўртача 40% гача ёнган ИРТ-4М ИАЙси учун активлиги ҳисобланган (3-жадвал).

3-жадвал

Бўлиниш маҳсулоти изотопларининг активлиги

Нуклидлар	Активлик, Бк (60% ёнган ИРТ-3М ИАЙ)	Активлик, Бк (40% ёнган ИРТ-4М ИАЙ)
${}^{85}\text{Kr}$	$2,60 \times 10^{14}$	$2,58 \times 10^{14}$
${}^{87}\text{Kr}$	$4,70 \times 10^{14}$	$4,63 \times 10^{14}$
${}^{88}\text{Kr}$	$6,40 \times 10^{14}$	$6,36 \times 10^{14}$
${}^{89}\text{Kr}$	$7,99 \times 10^{14}$	$7,88 \times 10^{14}$
${}^{90}\text{Kr}$	$8,84 \times 10^{14}$	$8,77 \times 10^{14}$
${}^{133\text{m}}\text{Xe}$	$2,78 \times 10^{13}$	$2,75 \times 10^{13}$
${}^{133}\text{Xe}^{133}$	$8,36 \times 10^{14}$	$6,81 \times 10^{14}$
${}^{135\text{m}}\text{Xe}$	$3,12 \times 10^{14}$	$3,09 \times 10^{14}$
${}^{135}\text{Xe}$	$1,11 \times 10^{15}$	$1,10 \times 10^{15}$
${}^{137}\text{Xe}$	$1,06 \times 10^{15}$	$1,05 \times 10^{15}$
${}^{138}\text{Xe}$	$9,55 \times 10^{14}$	$9,44 \times 10^{14}$
${}^{134}\text{Cs}$	$2,25 \times 10^{14}$	$2,23 \times 10^{14}$
${}^{137}\text{Cs}$	$7,62 \times 10^{12}$	$5,29 \times 10^{12}$
${}^{95}\text{Sr}$	$7,03 \times 10^{14}$	$5,59 \times 10^{14}$
${}^{95}\text{Nb}$	$9,69 \times 10^{14}$	$8,40 \times 10^{14}$
${}^{103}\text{Ru}$	$4,51 \times 10^{14}$	$3,81 \times 10^{14}$
${}^{106}\text{Ru}$	$1,17 \times 10^{13}$	$8,33 \times 10^{12}$
${}^{131}\text{I}$	$5,37 \times 10^{14}$	$5,33 \times 10^{14}$
${}^{132}\text{I}$	$7,62 \times 10^{14}$	$7,55 \times 10^{14}$
${}^{133}\text{I}$	$1,13 \times 10^{15}$	$1,12 \times 10^{15}$
${}^{134}\text{I}$	$1,35 \times 10^{15}$	$1,34 \times 10^{15}$
${}^{135}\text{I}$	$1,06 \times 10^{15}$	$1,05 \times 10^{15}$
${}^{140}\text{Ba}$	$1,10 \times 10^{15}$	$1,07 \times 10^{15}$
${}^{140}\text{La}$	$1,11 \times 10^{15}$	$1,10 \times 10^{15}$
${}^{132}\text{Te}$	$8,14 \times 10^{14}$	$8,07 \times 10^{14}$
Жами	$1,76 \times 10^{16}$	$1,69 \times 10^{16}$

Қолдиқ энергия фақат алюмин матричасини эритишга қодир (эриш температураси ~600 °С), бу унинг таркибидаги бўлиниш маҳсулотларининг ажралиб чиқишига олиб келади. Алюминий матричаси бўлиниш маҳсулотларининг умумий активлигининг ~10% ни ташкил этади, бу ураннынг бўлиниш пайтида олинган кинетик энергия туфайли бўлинган донаси қолдирган бўлақларининг улушини баҳолашга яхши мос келади (баҳолашда донанинг диаметри – 100 мкм, уран парчасининг эркин учиш узунлиги – 10 мкм деб тахмин қилинди).

Бундан ташқари, эритмадан турли хил синфлардаги бўлиниш маҳсулотларининг қуйидаги фракциялари ажралиб чиқади деб тахмин қилинади (4-жадвал):

4-жадвал

Эриган иссиқлик ажратувчи йиғилмасидан ажралиб чиқадиган бўлиниш маҳсулотларининг улуши

	Xe, Kr	I	Cs, Rb	Te, Se, Sb	Sr, Ba	Ru, Rh, Mo, Tc	Zr, Nb, V, La, Ce, Pr, Nd, Pu
UO ₂	100	50	50	15	10	3	0,3
*UO ₂	100	50	50	15	3	3	3

* - Чернобил АЭСда содир бўлган авария вақтида экспериментал маълумотлар

Авариядан сўнг шамоллатиш тизими тўхтади ва бўлиниш маҳсулотлари реактор биносини фақат сизиб чиқиш орқали чиқиб кетиши мумкин. Реактор биносидида ҳеч қандай тирқиш йўқ ва сизиб чиқиш ўлчовлари амалга оширилмайди. Шунинг учун таҳлилимизда кунига 1% сизиб чиқиш тезлигидан фойландик. Шунингдек, чиқиш ер сатҳи даражасида содир бўлади (консерватив тахмин), диффузия коэффициентлари маълумотнома материалидан олинган.

Юқорида тавсифланган тахминлардан фойдаланиб реактор чегарасидаги (1000 м) ва 200 м масофадаги дозалар ҳисобланган (5- ва 6-жадвал).

Ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатадики, битта ИАЙсининг эриши билан содир бўладиган авария ҳолатида радиоактив булутнинг ташқи нурланишида реактор чегарасида (1000 м) нурланиш дозасининг таъсири, қалқонсимон без нурланиш дозаси ва ернинг ифлосланган юзасида ташқи нурланишнинг доза таъсири авария ҳолатларида рухсат этилган дозалардан сезиларли даражада паст бўлади: 1 км масофада бутун тана учун доза 0,25 Зв ва қалқонсимон без учун доза 3 Зв чегарасида.

Авария оқибатларини йўқотиш учун махсус комиссия жалб қилинади, улар авария ҳолатларини бартараф этиш қўлланмалар асосида ишлайдилар.

ЮБУли фаол зона, биринчи аралаш фаол зона ва КБУли фаол зоналар учун ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики ВВР-СМ реакторининг эксплуатацияси хавфсизлик билан боғлиқ муаммолар туғдирмайди. Барча фаол зона конфигурациялари учун ўтиш жараёнлари/авариянинг оқибатлари амалий жиҳатдан бир хил.

**Битта ИРТ-3М иссиқлик ажратувчи йиғилмасининг эриш вақтидаги
эквивалент дозалари (60% ёнганда)**

Масофа, м	2 соат учун эквивалент доза, Зв	30 кун учун эквивалент доза, Зв	Йиллик эквивалент доза, Зв
Қалқонсимон без дозалари			
200	$5,34 \times 10^{-2}$	$3,28 \times 10^{-1}$	$3,62 \times 10^{-1}$
1000	$3,45 \times 10^{-3}$	$2,05 \times 10^{-2}$	$2,24 \times 10^{-2}$
Бутун тана (ички)			
200	$7,61 \times 10^{-4}$	$7,32 \times 10^{-3}$	$7,45 \times 10^{-3}$
1000	$4,91 \times 10^{-5}$	$4,43 \times 10^{-4}$	$4,58 \times 10^{-4}$
Бутун тана (ташки)			
200	$3,88 \times 10^{-4}$	$1,40 \times 10^{-3}$	$1,70 \times 10^{-3}$
1000	$2,50 \times 10^{-5}$	$8,80 \times 10^{-5}$	$2,24 \times 10^{-4}$
Бутун тана (жами)			
200	$1,15 \times 10^{-3}$	$8,72 \times 10^{-3}$	$9,15 \times 10^{-3}$
1000	$7,41 \times 10^{-5}$	$5,31 \times 10^{-4}$	$6,82 \times 10^{-4}$

**Битта ИРТ-4М ИАЙсининг эриш вақтидаги эквивалент дозалари (40%
ёнганда)**

Масофа, м	2 соат учун эквивалент доза, Зв	30 кун учун эквивалент доза, Зв	Йиллик эквивалент доза, Зв
Қалқонсимон без дозалари			
200	$5,30 \times 10^{-2}$	$3,26 \times 10^{-1}$	$3,60 \times 10^{-1}$
1000	$3,42 \times 10^{-3}$	$2,03 \times 10^{-2}$	$2,22 \times 10^{-2}$
Бутун тана (ички)			
200	$7,43 \times 10^{-4}$	$7,14 \times 10^{-3}$	$7,27 \times 10^{-3}$
1000	$4,79 \times 10^{-5}$	$4,32 \times 10^{-4}$	$4,47 \times 10^{-4}$
Бутун тана (ташки)			
200	$3,81 \times 10^{-4}$	$1,36 \times 10^{-3}$	$1,65 \times 10^{-3}$
1000	$2,46 \times 10^{-5}$	$8,54 \times 10^{-5}$	$2,16 \times 10^{-4}$
Бутун тана (жами)			
200	$1,12 \times 10^{-3}$	$8,50 \times 10^{-3}$	$8,92 \times 10^{-3}$
1000	$7,25 \times 10^{-5}$	$5,18 \times 10^{-4}$	$6,63 \times 10^{-4}$

Совутиш сувининг йўқотилиши.

Ховузнинг (реактор марказий баки) шикастланиши натижасида бўшаши.

Реактор марказий баки бўшашидаги аварияни биринчи контур кувурининг ёрилиши ёки марказий бакнинг ўзида авария ҳолатида сув билан таъминлаш тизимининг ишдан чиқиши билан боғлиқ авария сифатида қабул қиламиз. Бундай авария натижасида реактор марказий бакидан сув сизиб чиқади ва фаол зона очилиб қолади. Бундай ҳолда фаол зона эрийди ва эритма кўринишида реактор остидаги хонанинг бетонли полига тушади. Эритма

юқори температурада узоқ вақт давомида бўлади. Шамоллатиш нормал режимда ишлайди деб қабул қилинади ва радиоактивликнинг чиқиши шамоллатиш қувурида ҳавони аэрозоль ва йод филтрларида тозалаш билан содир бўлади (аэрозольлардан тозалаш самарадорлиги 99,9%, йоддан 90%). Аэрозоль ва йод филтрларида чиқарилган ҳавони тозалашни ҳисобга олган ҳолда бўлиниш маҳсулотларининг атроф муҳитга чиқишини ҳисоблаш натижалари 7-жадвалда кўрсатилган.

7-жадвал

Фаол зонанинг эриш вақтида радиоактив бўлиниш маҳсулотларини атроф муҳитга чиқиши

Нуклидлар	⁸⁵ Kr	⁸⁷ Kr	⁸⁸ Kr	⁸⁹ Kr	⁹⁰ Kr	^{133m} Xe	¹³³ Xe	^{135m} Xe	¹³⁵ Xe	¹³⁷ Xe	¹³⁸ Xe	¹³⁴ Cs	¹³⁷ Cs	⁹⁸ Zr	⁹⁵ Nb	¹⁰³ Ru	¹⁰⁶ Ru	¹³¹ I	¹³² I	¹³³ I	¹³⁴ I	¹³⁵ I	¹⁴⁰ Ba	¹⁴⁰ La	¹³² Te
Активлик (Ки)	1,26×10 ⁴	2,27×10 ⁴	3,10×10 ⁴	3,86×10 ⁴	4,20×10 ⁴	1,34×10 ³	5,54×10 ⁴	1,51×10 ⁴	5,38×10 ⁴	5,00×10 ⁴	4,62×10 ⁴	3,12×10 ⁻¹	9,36×10 ⁻¹	1,45×10 ¹	1,60×10 ¹	7,70×10 ¹	3,70×10 ¹	1,30×10 ³	1,85×10 ³	2,73×10 ³	3,28×10 ³	2,56×10 ³	5,34×10 ¹	1,60×10 ¹	6,00×10 ¹

Ташқи ва ички нурланиш дозалари ҳар қандай об-ҳаво шароити учун барча бўлиши мумкин бўлган атмосферадаги энг ёмон сулутириш коэффицентларининг қийматларини ҳисобга олган ҳолда аниқланди.

Фаол зонанинг очилиб қолиши ва эриши билан содир бўладиган авариянинг радиацион оқибатларини баҳолаш натижаларидан кўриниб турибдики, энг катта хавф радиоактив йод билан қалқонсимон безнинг ички нурланиши бўлади. Шу билан бирга, реактордан 100 м масофада (санитар-химоя зонаси) ёш боланинг қалқонсимон безининг нурланиши 0,104 Звни ташкил қилади. Авария вақтида чиққан радиацион булутнинг ташқи нурланиш дозаси 7,30 мЗвни ва ерга ўрнашган бўлиниш маҳсулотларининг активлик дозаси йилига 55,6 мЗв ни ташкил қилади (8-жадвал).

8-жадвал

Фаол зона эриши вақтидаги авария ҳолатида жойдаги радиацион ҳолат

Параметр	Доза, Зв				
	R=200 м	R=600 м	R=1000 м	R=6000 м	R=10000 м
Радиоактив булутдан ташқи нурланиш дозаси	0,0156	0,0104	7,3×10 ⁻³	2,6×10 ⁻³	1,8×10 ⁻³
Ёш боланинг қалқонсимон беи нурланиш дозаси	0,223	0,1486	0,104	0,0372	0,026
Ернинг ифлосланган юзасидан олинадиган ташқи нурланиш дозаси:					
1 сутка	4,97×10 ⁻³	3,31×10 ⁻³	2,32×10 ⁻³	8,32×10 ⁻⁴	5,81×10 ⁻⁴
30 сутка	0,0558	0,0372	0,026	9,3·10 ⁻³	6,5×10 ⁻³
0,5 йил	0,102	0,068	0,048	0,017	0,012
1 йил	0,119	0,08	0,0556	0,02	0,0139

Фаол зона эриши билан содир бўладиган авария ҳолатида санитар- химоя зонаси чегарасида ташқи ва ички нурланишнинг прогноз қилинган дозалари 0,25 Зв дан (авария ҳолатлари учун норма) ошмаганлиги сабабли аҳолини химоя қилиш бўйича махсус қўшимча чоралар талаб қилинмайди.

Диссертациянинг “ИРТ-4М туридаги 6 ва 8 қувурли иссиқлик ажратувчи йиғилмардан иборат ВВР-СМ реакторининг фаол зоналарининг ўтиш жараёнлари/авариялари таҳлиллари натижалари” деб номланган учинчи бобида ВВР-СМ реактори фаол зонасида ИРТ-4М типидagi 6 ва 8 қувурли ИАЙ лар учун ўтиш жараёнлари/авария таҳлиллари натижалари келтирилган. Кўриб чиқилган авария ҳолатлари ва ўтиш жараёнлари 6 қувурли ИРТ-4М ИАЙ фаол зонаси учун ва улар учун бир хил ҳисоб-китоблар мажмуаси амалга оширилди. Уларнинг натижалари билан диссертация ишида танишиш мумкин.

ВВР-СМ реактори фаол зонаси учун нейтрон-физикавий ва статик иссиқлик-гидравлик таҳлили.

Ядро реакторининг фаол зонаси — бу реакторнинг марказий қисми бўлиб, унда ^{235}U изотопи бўлинишининг бошқариладиган занжир реакцияси содир бўлади. Занжир реакциясида энергия нейтронлар ва γ -нурланиш, β -парчаланиш каби бўлиниш зарачаларининг кинетик энергияси кўринишида ажралиб чиқади. Реактор эксплуатацияси вақтида дастлабки ЮБУли фаол зона конфигурациясидан то тўлиқ КБУли фаол зона конфигурациясигача бўлган барча бўлиши мумкин бўлган реактор фаол зонасининг конфигурацияларини ҳисобга олиш керак. Шунингдек ўрнатилган экспериментал қурилмалар ёки нурлантириладиган материалларнинг таъсирини ҳисобга олиш зарур.

Критикликдан паст ҳолатларни ҳисоблаш.

